



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 26 июнь, № 127 (4790)

Жума

**«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»**


## БЕНАЗИР ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Мамлакатимиз истиқлол йилларида улкан янгиланишларга юз тутди. Ободончилик ва бунёдкорлик борасидаги ўзгаришлар, айниқса, пойтахтимиз қиёфасининг кун сайин кўркамлашиб бораётгани ҳар биримиз, хусусан, биз ёшлар қалбида олам-олам гурур ҳиссини уйғотади.

### Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Бу ўзгариш ва янгиланишларни бир оғиз сўз билан ифодалаб, эзгулик йўлида қадалган нихолга менгаш мумкин. Биз Президентимиз раҳнамолигида беназир аждодларимизга монанд тарзда буюк давлат қуриш йўлидан бораёмиз. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг нуносиб ўрнини топган мамлакатимизда ислохотларнинг бош мезони, аввало, инсон учун эканлигини маънавий юксалишга қаратилган эътибордан ҳам англаб олиш қийин эмас.

Бугун мен ўзим тахсил олган мухташам қошона — Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Чунки биз хоҳлаймизми-йўқми, юртимизга таъриф буюрувчи ҳар бир хорижий меҳмон, албатта, тарихий жойлар қатори янги, замонавий андозалардаги иншоотларга кўзи тушади ва завқланади. Шундай қосоналардан бири, бу Тошкент метросининг Ўзбекистон ва Алишер Навоий номи бекатлари яқинида жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясидир. Хали ичкарига кирмасингизданок унинг жозибаси ди-



Ҳасан Пайдов олган сурат.


лингизни равшан қилади, кўзингизни қувнатади. Ичкарига кириб, йўлақлари, мусиқа жиҳозларини, иш қуролларини, конференция ҳамда санъат залларини кўрганингизда эса, бир қувончингиз иккита бўлади. Аммо бу маданият маскани фақат кўз қувониши ёхуд атрофда кўрк бағишлаши учун барпо этил-

мади. Унинг тимсолида ўзбек санъатининг бугуни ва эртаси жамулжам. Бу даргоҳдан келажақда кўпбанд икитдор эгалари, ўзбек санъати довуғини, миллий мусиқамиз бетакдорлигини оламга ёдидан авлодлар етишиб чиқади. Консерваториянинг очилиш маросимида Президентимиз айтганидек,

«...Бу мухташам қошона, ҳеч шубҳасиз, ҳаётини санъат йўлига бахшида этган фарзандларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқаришдек улғу мақсадга хизмат қилади. Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган эканмиз,

санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий хамроҳимизга айлантирмасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукамал қилишимиз мумкин эмас, албатта...»

(Давоми 3-бетда).



Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

## ХАЛҚАРО ПАКТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қўмита ишчи гуруҳининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактининг 10-модда 3-бандининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Жазони ижро этиш Бош бошқармаси томонидан бажарилиши юзасидан олиб борган назорат-таҳлил ишларининг якунига доир масала муҳокама этилди.

Маълумки, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт 1966 йил 19 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йилнинг 23 мартдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги қарори билан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ратификация қилинган. Шу хусусда сўз борган йиғилишда мамлакатимиз томонидан ушбу Пактнинг 40-моддасига мувофиқ, мазкур халқаро ҳужжат нормаларининг бажарилиши юзасидан иккита Миллий маъруза тайёрланганлиги таъкидланди. Пакт қондаларининг аъзо-давлатларда бажарилишини мониторинг қилувчи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ушбу маърузаларни кўриб чиқиш, якуний тавсияларини берди ва уни бажариш юзасидан

Миллий фаолият дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда изчиллик билан бажарилмоқда.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 10-модда 3-бандида махбустларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялаш масалалари белгиланган. Пактнинг ушбу қоида-си Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Жиноят-ижроия кодекси нормаларида ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган.

Айтиш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ўташ тизимида Зангиота тарбия колонияси мавжуд бўлиб, унда озодликдан маҳрум этилган судланганлар учун таълим олиш, бирор мутахассислик бўйича касбга эга бўлиш каби имкониятлар мавжуд. Ушбу масала муҳокамасида сўзга чиққанлар мазкур колонияда вояга етмаганларни касбга йўналтириш борасида ижобий ишлар олиб борилаётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, келажақда уларга психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳуқуқий таълим бериш борасидаги ишлар юзасидан ҳам аниқ тақлифлар билдирилди.

Энбё АШУРОВА.

### Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида таълим жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритишга алоҳида ҳисса қўшган журналистлар иштирокида анжуман ўтказилди.

## ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

Унда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Ахлиддинов Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилган изчил ислохотларнинг самаралари оммавий ахборот воситалари томонидан ҳар томонлама чуқур ва муфассал акс эттирилиши — ушбу жараёнларнинг фаоллашувини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мақсад таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазибаларни бажаришда оммавий ахборот воситалари ҳам муносиб иштирок этдилар.

Хусусан, йирик шаҳарлардан тортиб, энг чека қишлоқларда ҳам қад ростилаш замонавий коллежлар, лицейлар, мактаб таълимининг кўркам, бири-биридан гузал бинолари, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўқув

(Давоми 2-бетда).

## ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш, бозор пештахталарини ана шу неъматлар билан тўлдириш, аҳоли дастурхонини кишин-ёзин сервитамин маҳсулотлар билан таъминлаш борасида муҳим вазибалар белгила берилган.

Ушбу ҳужжат тармоқни ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очди.

Хоразм вилоятида мазкур Фармон талабларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Фармон қайта ишлаш корхоналари мутасаддилари зиммасига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, уларни қайта ишлаб, қадқолаш юзасидан масъулиятли вазибалар юқлайди. Фаоли-

ятини шу талабларга монанд ташкил этаётган жамоалар эса ижобий натижаларга эришмоқда. Хусусан, Хонқа туманидаги «Асл мева» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини олайлик. Корхонанинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки оталигига олиниши унинг фаолиятида катта ўзгаришлар ясади. Корхона қувватларини тиклашда Самарқанддаги «Аф-

### Фармон ва ижро

росиёбмева» қўшма корхонасининг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Корхона модернизация қилинди. Хитойдан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

Шу тўғрисида фармоннинг қайта ишлаш қўламини анча ошди. 4ч минг тонна олма қайта ишланиб, 400 тонна

концентрат тайёрланди. Жорий йилда 8 минг тонна мевани қайта ишлаш асосида минг тонна концентрат тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Вилоятда бундай корхоналар сони кўпчиликини ташкил этади.

Ўтган йили вилоятдаги фермер ва дехқон ҳўжаликларидан 593 минг тонна мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотларини етиштирилди. Шундан 1520 тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари четга экспорт қилинди.

Жорий йилда вилоятда қарийб 800 минг тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда. Ана шундан 33,6 минг

тонна мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланади. Вилоятда 5 та сутни ва 5 та гўштни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Натижада 6900 тонна сўт, 600 тонна гўшт қайта ишланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жумладан, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини юксалтириш юзасидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хоразм вилоятида келгусида ана шу имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кўпроқ тайёрлаш, қайта ишлаш тизими фаолиятини намунали йўлга қўйишда ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Оллаберган РАЖАБОВ.

## Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгилликлар, хабарлар

### Ислохотлар — самарадорлик асоси

Тола сифати, кўп жиҳатдан, пахта хом ашёсининг қайта ишлаш жараёни тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Шу боисдан кейинги йилларда мамлакатимизда пахта тозалаш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида улкан вазибалар амалга оширилмоқда.

Бу боралдаги ишлар, айниқса, Вазирлар Мақма-сининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш санаяти корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг янги босқичга кўтарилди. Масалан, ушбу қарорга биноан «Жейнов пахта тозалаш» очик акциядорлик жамиятида амалга оширилган ишлар натижада Миришкор туманида етиштирилаётган 60-65 минг тонна пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш имконияти яратилди. Энг муҳими, маҳсулот сифати яхшиланди.

— Пахта толаси вилоят экспортида муҳим аҳами-ятга эга, — дейди Вазирлар Мақма-сини хузуридаги «Сифат» пахта толасини сертифицилаш маркази Ви-лоят худудий лабораторияси бошлиги Йўлдош Ра-вшанов. — Таъкидлаш кераки, вилоятимизда тайёр-ланаётган тола жаҳон бозорининг барча талаблари-га жавоб бергани учун бугунги кунда унга Хитой, Россия, Латвия, Украина, Беларусь, Жанубий Корея сингари ўнлаб давлатлар харидор бўлмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Паркент туманида «Она сути — меҳр бўлоғи» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

### Она ва бола саломатлиги — муҳофазада

Тадбирни ўтказишдан мақсад, фуқароларнинг ижтимоий, маънавий-сиёсий қарашларини юксалтириш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, шунингдек, ҳуқуқимиз томонидан турли жаҳалларда амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотларни тарғиб қилишдан иборатдир.

Бир қатор тақриблик мутахассисларнинг она ва бола саломатлигини муҳо-фаза қилишга доир чиқарилган анжуман қатнашчиларида катта таассурот қол-дирди.

С. АЪЗАМЎЖЕВА.

### Сув таъминотини яхшилаш йўлида

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида сув таъминоти ва канализация соҳасида

20 та

лойиҳа амалга оширилди.

Давлат бюджетини ва халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан рўёбга чиқарилган ана шу ишлар натижа-сида жойларда сув таъмино-тини яхшилашга эришилди.

БИР РАКАМ ШАРХИ

Жиззах туманидаги Гандумтош қишлоғи худудида «Лабернум Плюс» хусусий фирмаси томонидан йилга 2,5 миллион донга гишт ишлаб чиқарадиган завод барпо этилди.

### Бир қишлоқда икки корхона

Салкам 200 миллион сўмлик хорижий технология билан жиҳозланган корхона аҳолига арзон ва сифатли қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Хусусий фирмада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши ҳисобига 35 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ тадбиркори Баҳром Қаримов ҳам яқинда ўзининг янги гишт заводини ишга туширди. Корхона жамоаси қурилиш объекти-ларига йил охиригача 1,5 миллион донга гишт етказиб беришни режалаштирган.

С. БАҲРИДИНОВ.

Хива туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ушбу тадбирда иш излаётганларга 400 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

### Хивада меҳнат ярмаркаси

Меҳнат ярмаркасида қатнашганлардан 145 киши доимий иш ўринларига эга бўлди. Тадбирда иш таклиф қилган корхона ва ташкилотлар вакиллари ишчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида ярмарка қатнашчиларига маълумот бердилар.

Шунингдек, Богот, Янгиарик, Қўшқўпри туман-ларида ҳам худди шундай ярмаркалар бўлиб ўтди.

О. РАХИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### Камқонлиқнинг олди олинади

Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида темир саплементацияси — организмга қўшимча озуқа киритиш дастури амалга оширилмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган мазкур тадбирга мувофиқ, камқонлиқнинг ол-дини олувчи ферронат сиропи олти ойликдан икки ёшгача бўлган болаларга бепул тарқатила-япти. Икки йил давомида ана шундай препарат-ларни эзлик минг нафар болага тарқатиш кўзда тутилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.



Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш масалалари мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб юртимизда олиб берилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган. Уша даврдаёқ Ўртабосқонимиз ёш мустақил Ўзбекистон олдига турган муҳим вазифалар — мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, иқтисодийни таркибий қайта қуриш ва унинг жадал ўсишига шароит яратиш, экспортни кенгайтириш ва инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатимизда макрокосмосий барқарорликни таъминлаш ва аҳолимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш эканлигини таъкидлаган эди. Орадан қарий 18 йил ўтишига қарамастан, бугунги кунда ҳам мазкур вазифалар ўзининг долзарблиги ва замонавийлиги эга.

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

Келажаги буюк юртнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада юксалтирмоқда

Яна бир эътиборга тааллуқли жиҳат, бу — иқтисодийни тубдан ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига ўтишни бешта тамойилини ўзига муҳасамалаштирган тараққиётимиз моделидир. Янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийни шакллантириш, бозор муносабатларига пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш мамлакат ривожланишининг устувор йўналиши қилиб олинганлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни қўлама кенгайиб бораётган бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга ва эътиборга лойиқдир.

Ривожланган аксарият мамлакатлар ва айрим Ҳамдўстлик давлатларида иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяётган даврда Ўзбекистонда янги ички маҳсулот ҳажми ўсиб бормоқда. Иқтисодий тармоқлари ривожланишида иқтисодий инқирозга эришаётган Табиийки, бу 2008 йилининг иккинчи ярмидан бошлаб Ўртабосқимиз ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни салбий таъсирларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги ва унинг амалга оширилиши натижа-сидир.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 22 майда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримович "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришни йўллари ва чоралари" китоби бўйича дунёнинг 60 мамлакат ва 30 та халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан ташриф буюрган 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, таниқли иқтисодчилар, маҳаллий хорижлик олимлар ҳамда экспертлар иштирокida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда олиб берилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва бу соҳадаги кенг қамровли ислохотлар Ўзбекистонда бозор муно-

сабатларига ўтиш ва ислохотларни олиб боришнинг ўзига хос эволюцион йўли, ўзини оқлаган ўзбек моделининг амалий исботи эканлиги ҳамда мазкур моделдан фойдаланиш кўпгина мамлакатлар тараққиёти учун ҳам фойдали бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулосалар билдирилди. Бугунги кунда турли мамлакатлар вакиллари томонидан ҳам ўзбек моделининг иқтисодий натижалар бераётганлиги халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Мазкур анжуман иштирокчиларининг таъкидлашича, мамлакат Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ислохотлар ўтказилиши ўзбек модели бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида ҳам ўзининг устуворлигини исботлади. Ўртабосқимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш чоралари дастурининг ўз вақтида қабул қилинганлиги натижасида Ўзбекистон иқтисодий ва макрокосмосий тараққиётининг барқарорлиги таъминланганлиги эътироф қилинмоқда. Зеро, қатор давлатларда янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари тушиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 109 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон ислохотларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан олиб бораётганлиги ва "шок тарафаси"дан воз кечганлиги натижасида бугунги кунда ўз тараққиётини ташқи қарз ва инвестицияларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз ички ресурсларига таяниб олиб бораётганлиги мамлакатимиз ютуғидир. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг, бошқа баъзи бир мамла-

катлардан фарқи ўлароқ, қарзга яшаш ёки кредитга асосланган иқтисодий юртимизнинг ўзи охириги йилларда давлат бюджети янги маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда профит билан иқтисодий қўллаб-қўллашга асос бўлмоқда. Бу эса ўзбек моделининг нечоғли тўғри эканлигини бугун дунёда намойён этаётди.

Банк тизими ва тижорат банкларининг капиталлашуви жараёнида қатта эътибор берилмоқда. Банк-молия тизимида чойчоқчилик бизнесидан бутунлай воз кечилди. Банкларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш, аҳолимиз банклардаги омонатларини тўлиқ қобул қилиш ва банк тизимининг халқаро молия муносабатлари босқичма-босқич интеграллашуви борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш мақсадида 2008 йилнинг аёвдан бошлаб, тижорат банкларидан капиталлашуви жараёнини фаоллаштиришга қатта эътибор берилди. Бугунги кунда банк капиталининг етарлиги даражаси Халқаро Базель қўлимас талабларидан ур бораётди. Кейинги йилларда банк тизимининг хам жорий ликвидлиги 1,5 млрд. доллар эквивалентига тенг бўлган сўммага бўлишига эришилди. Йирик тижорат банкларининг базисини кучайтириш мақсадида давлат томонидан 491,0 млрд. сўм миқдордаги маблағлар бевосита уларнинг капиталлашуви учун йўналтирилди. Бу маблағлар ҳисобидан (корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, уларни техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш учун)

ажратиладиган имтиёзли кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизи, яъни йиллик 9,8 фоиз билан берилишига имкон яратилди. Республикада фаолият қўрсатаётган тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан 2009 йилда реал сектор корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши мўлжалланаётган маблағларнинг миқдори ҳам олдинги йилларга нисбатан аниқ ажраётди.

Ўзбекистон тараққиётини халқаро эътирофга сазовор бўлган яна бир соҳа — бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий соҳага устувор эътибор берилганлиги. Янада аниқроқ айтишда бўлса, бу кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш тамойилининг ҳаётбахш кучи натижасидир. Ижтимоий соҳа объектиларини қўриш ва фойдаланишга топшириш масалаларида ўз устувор вазифа сифатида қаралганлиги босқичларда мингглаб ўқувчиларга мўлжалланган касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар спортини иншоотлари, тураржой бинолари барпо этилди. Мавжуд объектлар эса капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Ижтимоий ҳимояга мўтож аҳоли катламларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатга лаёқатлиларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳўқуқий асослар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида кўпгина давлатларда ижтимоий соҳага йўналти-

рилган маблағлар миқдори қисқариб бораётган бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда ижтимоий соҳага устувор эътибор берилганлиги Ўзбек моделининг пухта ўйланганлиги ва самаралилигини далолат беради.

Ёшларга инвестиция қилиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳам бу соҳадаги сиёсатга устуворлик бахш этмоқда. Ёшларнинг замонавий мактабга тарбия муассасалари, мактаб, лицей, коллежларда билим олишлари учун ҳар томонлама шароитлар яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг қўламини бошқа бирон-бир давлат амалиёти билан таққослаш мумкин эмас, десак, тўғри бўлади. Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар хорижий давлатлар билан тўқнашган ҳолда амалиётининг нафақат бугунги, балки келажақда ҳам қатта самара берувчи ютуғи сифатида эътироф этилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг бунда ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши ҳамда қатта либераллашуви жараёнига эътиборлик билан ёндашилганлик ва кўпроқ таркибий ўзгаришларга устуворлик берилганлиги ва айниқса, бугунги кунда диверсификациялаш жараёнига кучли эътибор қаратилаётганлиги ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бўлишига олиб келган омиллардан бири эканлиги қайд қилинмоқда. Мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳақ-ҳўқуқларини таъминлаш, гендер тенглик соҳасида амалга оширилган тадбирлар, демократик фуқаролик жамиятини қўриш ва ривожлантириш соҳасидаги жадал қадамлар каби қўшма иқтисодий ишлар ҳам, энг асосийси, ривожланиш ҳамда тараққиётга замин яратган "Sta-sam-yang" қўша корхона-хўжалиқларида мавжуд барқарорлик, тиқлик ва осуда ҳаёт, биз димо улуглайдиган маънавий ва миллий қадриятларимиз мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдан ўз муносиб ўрни ва эътирофини топишга асос бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан белгиланган бозор муносабатларига ўтишни беш тамойилига асосланган юртимизнинг ўзига хос тараққиёт модели бугунги кунда ўз афзаллигини исботламоқда. Бу ўстувор сифат нафақат халқаро жамоатчилик томонидан эътироф қилинаётган, балки баъзи давлатлар учун андозага ҳам айланмоқда. Бу эса, шўбҳасиз, Ўзбекистон учун, халқимиз учун жуда катта ютуқ ва шарафдир.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бугун жаҳон бўйлаб кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида республикамиз ички бозоридagi талаб ва эътиборни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодийни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу босқич Фарғона вилоятида Маҳаллийлаштириш дастури асосида лойиҳалар ҳажмининг 3-4 баробарга кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Натижада, авваллари хориждан келтирилган спорт анжонлари, ўқув жиҳозлари эндиликда ўзимизнинг корхоналаримизда тайёрланаётди.

Президентимизнинг "2009 йилда санат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, четдан олиб келинган технология ускуналари, уларнинг эътиёт қисмлари божхона тўловларидан ҳамда бир қанча солиқлардан озод қилинганлиги фаолиятимизни

панд бермади. Ҳозир корхонанинг 110 турдан зиёд маҳсулотлари хориж меҳнатидан сира қолмади. Шу босқич буржуматчи рафи тобора кенгайётди.

Шуниси эътиборга моликки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни харидорлар бемалол банк кредити орқали ҳам сотиб олишлари мумкин. Бу йўналишда 4 та муассаса билан шартнома тузилган. Асосий хом ашё — ноёб ёнғоқ, тол, заранг дархатлари ёғочлари эса маҳаллий аҳолидан харид қилинапти.

### Муносабат

"Меҳаника корхонаси" акциядорлик жамияти эса республикамиздаги 20 тадан зиёд энгил санат корхоналарини эътиёт қисмлар, бутловчи воситалар билан таъминлаётди. Илгари фақат четдан эътиёт қисмлар олиб келган "Фарғона-ДЭУ текстиль" корхонаси эса шу кунларда маргилонликлардан 500 турдаги бутловчи қисмларни қабул қилмоқда.

Жамият ишчилари чўян, пўлат, алюминий, бронзадан эътиёт қисмлар тайёрлаб қўлмасдан, балки ана шулар асосида тайёр маҳсулотлар, турли техника воситалари ҳам ишлаб чиқаришгапти. Хусусан, электр двигателда ҳаракатта келадиган мини-тракторлар вилоятдаги аксарият фермерларга маълум тушмоқда.

Бир қатор корхоналарда амалга оширилаётган бундай ишлар самараси ўлароқ, вилоят иқтисодий тобора ривожланимоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### «Халқ сўзи»га жавоб берадилар

#### Ногиронлик гуруҳи белгиланади

Навоий вилояти, Нурота шаҳрида истиқомат қилувчи Р. Сирожиддинова фарзандига ногиронлик гуруҳини белгилашда айрим мундасадди идоралар уни сарсон қилишаётган ҳақида тахририятга шикоят хати билан мурожаат қилган эди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекцияси бошлиғи А. Мўминов имзоси билан тахририятга келган расмий жавобда таъкидланганича,

"...арзғўй ўғли биринчи марта Навбахор туманлараро ТМЭКга тиббий ҳужжатлари билан шу йил бошида мурожаат қилган. Тиббий ҳужжатларда айрим текширув натижалари кўрсатилмаганлиги сабабли бемор лаборатор кўрикдан қайта ўтиши учун йўналма билан таъминланган. Аниқланган ҳато ва камчиликлар қайд қилиниб, Нурота туман тиббиёт бirlашмасига ТМЭК томонидан хат юборилган. Навоий вилояти Бош ТМЭК мутахассислари арзғўйга ўғлининг тасвир этилган текширувлардан ўтиши келажақда даволаш муолажаларини тўғри олиб бориш учун ҳам зарурлигини тушуниришиди".

#### Тергов аниқлик киритади

Қаршилик С. Чориева тахририятга хат йўллаб, тумандаги "Насаф" фермер ҳўжалиғига қарашли "Лағмон" қишлоқ фуқаролар йиғинида йўл қўйилаётган қонунбузилишлар ҳақида ёзган эди. Мазкур шикоят хати юзасидан Қарши тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Т. Муродов имзоси билан расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ўтказилган текшириш натижасида маълум бўлишича, Халқ банки Бешкент филиалида амалиёт бўлими 041-шўбҳасида бухгалтер-назоратчи вазифасида ишлаб келган Р. Худобергов "Лағмон" қишлоғидаги ўн бир нафар фуқаронинг нафақа пуллари тўлов варақасига ўзи имзо қўйиб, ҳужжатларини сохталаштирган. Пуллари талон-торож қилган. Р. Худобергов ҳаракатида жиноят аломатлари кўрингани сабабли унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

#### Мижоз талаби қондирилади

Тахририятга шикоят хати билан мурожаат қилган пастдарғомлик Х. Маматов Давлат-тижорат Халқ банкнинг Самарқанд вилояти филиалига яшши ният билан қўйган омонат пулини вақтида ололмаётгани ҳақида ёзган эди. Мазкур шикоят хати текширишга юборилди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Самарқанд вилояти филиали бошлиғи С. Номозов имзоси билан тахририятга расмий жавоб келди. Унда таъкидланганича,

"...ҳақиқатан ҳам, Х. Маматов 2008 йил июль ойида Халқ банкнинг Боғишмағол филиалида "Барқарор" мuddатли омонатга маблағ кирим қилган. Унга йиллик 18 фоиз даромад олиш шarti билан олти ой мuddатга ҳисоббарак очилган. 2009 йил март ойи ҳолатига қўра, фоиз даромадлари билан маблағ қўйилган. Банк ходимлари миқдор билан сўхбат ўтказиб, шу ҳақда тушунириш беришган ҳақда унга омонат ҳисоббаракга қўйилган пул маблағини тўлиқ ҳажмда устама фойзалари билан бирга тўлашган. Х. Маматов бундан қониқиб ҳосил қилган".

## ТАШАБУСКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК

Кўп хонадонли уйдagi умумий мулкни ва уйга тегишли ер майдонига жойлашган ободонлаштириш ва кўсалмазорлаштириш ишларида иштирок этиш, майдон носолиқларни тузатиш, канцелярия товарларидан тортиб, томни қоплаш материаллари ва янги лифт жиҳозларини харид қилиш каби ишлар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати — ХУЖМШнинг вазифаси ҳисобланади. Яққасарой туманидаги Бобур номи маҳалла худудидagi "Тоғмаҳалкоммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари ҳам ўз фаолиятларини ана шу қондалар асосига қўрган. Айниқса, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари ширкат худудида қизгин кечмоқда. Ширкат қаромоғидagi 69-уйнинг куча томони чиройли кўринишга эга бўлди. Туман ҳокимияти ёрдамида уйнинг мавжуд 28 та кириш йўлагига тўла таъмирланди. Утган йили учта лифт ўрнатилган эди. Ҳозир яна 2 та лифт таъмирланмоқда. Чор-атрофини ободонлаштириш, даракт ва ни-



Коммунал хизмат

ҳолларни тартибга келтириш ишлари давом этмоқда. Хар шанбада ҳаво уюштирилиб, бўм ва балконлар оқ ранга бўрилмоқда. Энг муҳими, ширкатда ҳозирдақоқ кузги-киши мавсумига тайёргарлик бошлаб юборилган: инженер-техник коммуникациялар таъмирланмоқда, иситиш тизими тозала-

ниб, ювиб чиқилмоқда, тум устига юмшоқ тўшмалар ташланмоқда, хозиргача 450 тадан иссиқ ва совуқ сув ўлчагичлари ўрнатилди. — Бизда ҳамма ишлар режа асосида, ҳамжихатликда ҳал этилади, — дейди ширкат раиси Анвар Бошманов. — Маҳалла оқсоқоли, уй ва йўлак

раҳбарлари барча ишга бошқоқ бўлади. Айни пайтда туман ҳокимлигининг бевосита ёрдамида пойтахтимиз юбилейига қизгин тайёргарлик кўраётмири.

Ҳасан ПАЙДОВЕВ, Муаллиф олган сурат.

Курувчилик инсоният томонидан қадрланадиган энг қадимий касблардан бири. Айниқса, ҳалқимизнинг бу касб эгаларига ҳурмати баланд. Қўли гул бинокорларга азалдан эҳтиром билан «уста» деб мурожаат қилинади, доимо иззат-эҳтиром кўрсатиб келинади. Афсусларни жойи, кейинги вақтларда ана шундай савобли касб эгалари орасида ҳам қўли эгри кимсалар пайдо бўлиб қолмоқдаки, уларнинг қилмишларини эшитган киши «аттанг» дея бош чайқашини, табиий. Миллий хавфсизлик хизмати Андижон вилояти бошқармаси ходимлари томонидан фош этилган жиний гуруҳ ҳам курувчилик баҳона юлғичликни касб қилиб олган шахслардан иборат экан.

Улуғнор туманидаги «Қурилиш маркет» хусусий қурилиш фирмаси 2005 йил 7 февралда Олтинқўл туманидаги Тожиқ қишлоғида қурилиш режалаштирилган, қиймати бир миллиард 638 миллион 850 миң сўмга тенг бўлган иқтисодий йўналишидаги касб-ҳўнар коллежи қурилиши бўйича ўтказилган тендер танловида иштирок этиш ва гoлибликни қўлга киритади. Тендер шарт-шарти қўра, 900 ўқувчи мўлжалланган ҳамда «А», «Б», «В», «Г», «Д», «Е», «Ж» ўқув биноларидан иборат бу билим маскани 180 кун мuddатда да қуриб битирилиши зарур эди. Табиийки, 1,8 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳам лойиҳада қўзда тутилган бир-бириндан қўрқам, шиман 7 та бинони барпо этиш учун мўлжалланган. Қурилиш бошлангич шарафини эшитган қишлоқ ахли анча севинди. Ахир қўвонмай бўладими, қишлоқ болалари таълим-тарбия олиб, касб-ҳўнар ўрганади, энг керакли мутахассислар тайёрланади. Бирок тендер танловидан кейин анча-мунча ҳуфийна ишлар ҳам бўлиб ўтган эдики, уларнинг «ғалати» тафсилотлари кейинроқ — МХХ вилоят бошқармаси томонидан қўзғатилган жиноят ишини тергов қилиш жараёнида аниқланди. Унгача эса... «Қурилиш маркет» раҳбарлари «Андижонхўжаро-лоийҳа» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) ёрдамида лойиҳага

пудратчи ҳамда буюртмачининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган дав кейин «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига тўлов учун тақдим этилган. Натижада давлатнинг 354 миллион 830 миң сўмлик маблағи ўзлаштирилиб, талон-торож қилинган. Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида МХХ Андижон вилояти бошқармаси тергов бўлимининг «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида» қарорига биноан, «Қурилиш маркет», «Улуғнор рами» қурилиш фирмаларининг ўтган йиллардаги молиявий-ҳўжалик фаолиятини чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниди, улар томонидан қурилиш объектларида ҳақиқатда бажарилган ва бажарилиши керак бўлган ишлар ҳажми ўлчаб чиқилди. Ушбу тадбирлар ўтказилиши натижасида жиний гуруҳ томонидан содир этиб келинган қонунбузирилари қўламини, ҳажми аён бўлди, ўша йирик миқдордаги давлат маблағини ўзлаштириш жинояти қандай механизм ёрдамида амалга ошириб келингани аниқланди. Маълум бўлишича, «Қурилиш маркет» ХФ, «Улуғнор рами» кўп

## ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

(Давоми. Боши 1-бетда). Ва спорт анжонлари, лабораториялар, махсус ус-тахоналар билан таъминланганлиги, таълимда илгор педагогик технологиялар кенг қўлланилаётгани, ўқувчилар, талабалар кўп қиррали таълим-тарбиявий тадбирларга жалб этилаётгани — мазкур соҳага иқтисослашган журналистларнинг диққат марказида турди. Мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар орқали ўзининг ёрқин ифодасини топди. Албатта, бу жараёнлар бундан кейин ҳам янада кенг қўламада давом этади. Оммавий ахборот воситалари, ўз навбатида, таълим-тарбия мавзусига қатта эътибор қаратаверадилар.

Анжуманда таълим соҳасидаги ислохотларни халқимизга етказишда хизмат қилган бир гуруҳ матбуот-матбаа, радио ва телевидение ходимлари эътироф этилиб, тақдирландилар.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИГА

тегишли жазони олдилар ва эл-юрт

### Жиноятга жазо муқаррар

ган. Бу маблағларнинг бир қисмига бозордан қурилиш материаллари харид қилинган. Бошқа бир қисми эса жиний гуруҳ аъзолари орасида тақсимланиб, шахсий эҳтиёллар учун сарфлаб келинган. Худди ана шу жиний схема ёрдамида 2005 — 2008 йиллар мoбайнида давлат бюджетидан таълим масканлари қуриш, уларни замонавий ҳолга келтириш учун ажратилган юз миллионлаб сўм маблағлар ўзлаштирилиб, талон-торож қилиб юборилган. Булар — жиний гуруҳ қилмишларининг қисқача тафсилотлари. 2004 йил декабрда «Қурилиш маркет» фирмаси Жалақудук туманидаги Ойим қишлоғида жойлашган 40-умумтаълим мактаби, Улуғ-

мўлжалланган, қиймати 1 миллиард 771 миллион сўмлик «Коммунал сервис хизмати» касб-ҳўнар коллежи қурилишини амалга ошириш бўйича ўтказилган тендерда гoлиб бўлди. Бу ерда ҳам жиний гуруҳ аъзолари томонидан қурилиш жараёнида умуман бажарилмаган ишларни «бажарилди» деб, далолатномага киритилгани оқибатида давлатнинг 158 миллион 500 миң сўмдан зиёд маблағи талон-торож қилинди. 2006 йил 30 октябрда «Улуғнор рами» КТХКК Балиқчи туманидаги Ҳўжаобод қишлоғида қурилиш режалаштирилган 720 ўқувчи мўлжалланган, қиймати 2 миллиард 345 миллион сўмлик тиббиёт касб-

ЖАҲОН 24 соат ичида
Бозордаги хунрезлик

Бағдоднинг шимоли-шарқида йирик кўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дея хабар тарқатди "France Presse" ахборот агентлиги.



Хунрезлик Садр-Сити массивида одам гавжум бўлган бозорда амалга оширилган.

Хунрезлик Садр-Сити массивида одам гавжум бўлган бозорда амалга оширилган. На тижда қарийб 75 киши ҳаётдан кўз юмган, юздан ортиқ киши жароҳатланган.

Харажатларни тежаш мақсадида

АҚШнинг Гарвард университети маъмурияти иш ўринлари сони 275 тага камайтирилишини маълум қилди.

Бу ушбу даргоҳдаги ходимлар умумий сонининг икки фоизини ташкил қиладди. Муассаса вакили Мэрилин Хаусманнинг айтишича, университет харажатларни тежаш мақсадида шундай йўл тутишига мажбур бўлмоқда.

«Қора қутилар» қаерда?

Атлантика океанида ҳалокатга учраган, "Air France" авиокомпаниясига тегишли "А330-200" самолёти учувчилардан бирининг жасади топилди.

Унинг номи ошкор қилинмаган. Баъзи манбаларда топилган жасад ҳаво лайнери бошқарувида бўлган Марк Дюбуаники эканлиги келтириб ўтилган.

Динозаврлар вазни қанча бўлган?

Табиат оламининг ўзига хос мавжудотларидан саналган динозаврлар ҳақидаги маълумотлар ҳар доим илм-фан вакиллари ни қизиқтириб келган.



Шу сабабли, олимлар улар ҳаётини ўрганишда давом этмоқдалар. "The Times" газетасининг ёзишича, олимлар динозаврларнинг вазни борасида янги маълумотларга эга бўлишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жиззах вилоятида Юртбошимизнинг 2007 йил 6 мартдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш йўлида самарали ишлар қилинмоқда.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш виллоят дастурига биноан, 2009 йилда 29124 та иш ўрни яратиш режалаштирилган эди, — дейди виллоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Сакина Алмаедова. — Давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барфарақ этишининг йўллари ва чоралари" китобидаги фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиққач, кўшимча тарзда 14 мингдан зиёд иш ўрни яратиш бўйича дастур туздик. Ушбу дастур доирасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 58,1 миллиард сўм кредит ажратилган бўлди.

БЕНАЗИР ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



Дор эгаларининг нафақати ўзбек муштарак санъати даргалари меросини, шу билан бирга, жаҳон мусиқа илмининг кунг ва илтиқ билан ўрганаётганига гувоҳ бўласиз. Уларнинг ютуқларидан қувонасиз. Мамлакатимизда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларга юксак билим бериш мақсадида бунёд қилинган, марказ кўрғига кўрқ қўшиб турган, хонандаю созандагаримизнинг табаруқ ушбу қошаонаси, чиндан ҳам, етуқ иқтидор эгаларининг кашф этилишига хизмат қилаётти. Буларнинг барчаси эътибордан, эъзоздан эканлигини эса ҳеч бировимиз унутмаслигимиз керак!

Мен ҳам мана шу даргоҳда тахсил олганимдан фохрланаман. Чунки бу ерда элимизнинг машҳур, танқили ва сеvimли хобизлари, санъаткорлари даст беришди. Мен ана шундай етуқ устозларнинг қўлида сабеб олиб, муқтадил иждо қила бошладим. Ўзбекистон Республикаси Президенти етипендианти бўлидим. Бир неча бор хориж мамлакатларида концерт бердик. Мени хайратлантиргани шу бўлдики, чет элда бизнинг муштарак мусикаларимизни севиб тинглашаркан, Турғун Алиматовнинг танбурда басталган мусикалари чет эл дунқоналари турганини кўриб, чети, дилмида ажиб гурур пайдо бўлди... Президентимизнинг биз, ёшларни ўйлаб мана шундай гузал санъат масканини бунёд этишга бош-қош бўлганлари қўллаб-қувватлов эгаларини қувонтириб юборди. Энди улар ўзбек санъатини дунёга таништириш бор куч-ғайратларини аямайдилар.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Official Partner Tel. 250-11-11

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Бу мурувватдан ҳеч ким четда қолмайди.

бирда қатнашганларнинг 500 нафарга яқини ҳуқуқий махсуслаштар олиши. Жиззах шаҳрида бир неча бор саноят корхоналарида кўргазмалар уюштирилиб, бу махсуслаштар соғуви йўлга қўйилгани касаначи-ларни руҳлантирган бўлса, кўргазмага келган, тадбиркорликка бел боғлаган ёшларга дадил ишонч бағишлаётди.

Виллоятда ўқувчи, тала-

ри қайта ишлаш корхоналари муҳим рол ўйнайди. Узоқ тоғли қишлоқларда ва чека худудларида бундай корхоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам шундан.

Масаланинг яна бир муҳим томони, бундай кичик, хусусий корхоналарнинг қўлайлиги тоғли қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий меҳнатга кўпроқ жалб этмоқда. Утган беш ойда 297 нафар аёл ишли бўлди. Кичик саноят корхоналари қошида йўл меҳнатини ташкил этишни ривожлантириш эвазига виллоятдаги касаначилар сони кескин ортмоқда. Ҳуқумати таъминлаган қаратилмаётган бундай эътибор, айтиш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қўрсатади. Зеро, фуқароларни иш билан таъминлаш орқали уларнинг жамиятдаги фаолиятини янада оширишга эришиш мумкин.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Semillas FITO corn seeds, including an image of a corn cob and contact information.

Advertisement for Turin Polytechnic University, listing various engineering and technology programs.

Advertisement for the University of Turin, listing entrance exams for mathematics, physics, and logic.

Advertisement for the University of Turin, listing various faculties and departments.

хунар коллежини барпо этиш бўйича ўтказилган тендерда ютиб чиқди. Бу ерда ҳам катта микдордаги ишларни бажармай, ҳисоботларга қўшиб ёзишга натижасида жиний гурӯҳ аъзолари томонидан 164 миллион 911 минг сўмдан зиёд маблағ ўзлаштириб юборилган.

БОЛТА УРГАНЛАР нафратига дучор бўлдилар

боши туманидаги 12-умумтаълим мактаби ҳамда унинг негизидagi спорт зали, Балиқчи туманидаги 12, 45, Улуғнор туманидаги 1-умумтаълим мактабларида мукаммал реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича тендер савдосида иштирок этиб, ғолиблигини қўлга киритди. Юқоридagидек қўшиб ёзишга натижасида бу гал ҳам жиний гурӯҳ томонидан давлатнинг 134 миллион 300 минг сўмдан зиёд маблағи талон-тороқ қилиб юборилди.

2007 йил 6 октябрда «Улуғнор рамизи» КТХҚК Балиқчи туманидаги қурилиш тугалланмаган 16-мактаб негизидa барпо этилиши кўзда тутилган 900 ўқувчига мўлжалланган педагогика касб-хунар коллежи қурилишини олиб бориш бўйича ўтказилган тендерда ғолибликни қўлга киритди. Бу ерда ҳам жиний гурӯҳ томонидан расмий ҳужжатларни қўллаб-қувватлаш, аслида бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш ҳисобига давлатнинг 202 миллион 200 минг сўмдан зиёд маблағи ўзлаштирилиб, талон-тороқ қилинди.

ларининг номи ҳамда ўзлаштириб юборилган маблағ текин Узарган, холос. Мўмай тижорат даромади қўлга киритиш йўлида олиб-юрган жиний гурӯҳ аъзоларининг жиний ниёт-мақсадлари, давлатнинг миллион сўмлаб маблағларини ўзлаштириш усуллари эса аввалгидек қолаверган.

БОЛТА УРГАНЛАР нафратига дучор бўлдилар

бунёд этиш, уларни реконструкция қилиш бўйича бирин-кетин ўтказилиб келинаётган тендер танловларида ғолибликни кўпроқ иккита фирма қўлга киритарди. Бир гал «Қурилиш маркет» ютиб чиқса, бошқа сафар «Улуғнор рамизи» ғолиб бўларди. Нима, Андижондек ишлаб чиқариш салохияти юқори виллоятда улардан бошқа қурилиш фирмаси йўқми? Ўқув масканларини чала-ярим қилиб қўриб юрган бу фирмаларнинг қорчалон ишбошилари «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси раҳбарларининг ишончига қандай йўл билан кирив олишди экан?.. Табиийки, бу каби ўринли саволлар жиний иш бўйича тергов тадбирларини олиб борган МХБ терговчиларида ҳам пайдо бўлди. Шу сабабдан ҳам жиний ишнинг бир гурӯҳ мансабдор шахсларга нисбатан қисми алоҳида ахратиб олиниб, тергов ҳаракатлари давом этирилмоқда. Ишонмаски, қилни қирққа ажратган адолат посбонлар давлат, халқ маблағлари талон-тороқ этилишига шерик бўлган мансабдор шахсларни ҳам бирма-бир аниқлаб, жавобгарликка тортиши

буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳисобига ўтказиб бериш, М.Тожибоевга тегишли, баҳоси 41 миллион 750 минг сўм бўлган уйни, 88 миллион 644 минг сўмлик қурилиш материалларини суд ижрочилари орқали сотдириб, ундан тушган маблағни етказилган зарарни қоплашга йўналтириш ҳақида қарор қилди. Шунингдек, етказилган моддий зарарнинг қолган қисми, яъни 586 миллион 820 минг 310 сўм маблағ судланувчилардан ундириб олинмаган бўлди.

БОЛТА УРГАНЛАР нафратига дучор бўлдилар

нидаги «Олтин чаноқ» фермер ҳужалигининг раиси Муроджон Тожибоев бўлиб қичди. Иккала фирманинг расман тайинлаб қўйилган раҳбарларидан тортиб, то етакчи мутахассисларигача — ҳамма-ҳаммаси М. Тожибоевнинг чизган чизмадан чиқмайдиган кишилардан иборат эди. Шунинг учун ҳам суднинг «қора курсиси»да ўтирган қурувчилар ёнидан сойқ фермер М. Тожибоевнинг жиб оқлини улар биргаликда содир этиб келган жиний қилмишларнинг мантқиқий поёни бўлди, холос.

Судда сўз олган судланувчилар содир этган қилмишларига иқрор бўлиб, пўшайди оқилларини билдиришди. Суд хайъати уларнинг сўзларини инобатга олиб, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳижатларни ҳисобга олган ҳолда ҳукми қилди.

Н. Хайдаров, В. Юнусовга иш ҳақиқдан 30 фоизи давлатга ундирилган ҳолда 2 йилдан 2,5 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, энг кам иш ҳақининг 350 — 400 баравари миқдоридa жарима тўлаш белгиланди. Шунингдек, судланувчилар кўрсатиб ўтилган жиноятларни эггаллаб турган лавозимидан фойдаланиб содир этганлигини назарда тутган ҳолда, 1,5 йилдан 3 йилгача муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар.

БОЛТА УРГАНЛАР нафратига дучор бўлдилар

Хукм эълон қилингандан сўнг судланувчилардан бир гуруҳи ўзлари етказган моддий зарарнинг қолган қисмини ҳам тўлиқ қоплаб, судга апелляция тартибидa жазони энгиллаштириш ҳақида ариза билан мурожаат этишди. Жиний ишлари бўйича Андижон виллояти суди апелляция хайъатининг ажримига мувофиқ, М. Тожибоев, А. Ваҳобжонов, М. Маликов ҳамда Х. Азизовга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, яъни, иш ҳақиқдан 20 — 30 фоизини давлат даромадига ўшлаб қўлиш билан 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 — 600 баравари миқдоридa жарима ундириш, шунингдек, 3 йилгача муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазолари белгиланди.

Судланганларнинг деярли барчаси Андижон тупроғида туғилиб, вонга етган қишлар. Ҳаммаси бола-чақали, асарияти муқаддам судланмаган. Уларнинг ҳар бирида ўз юртига ҳалол меҳнат, фидойилиги билан ҳисса қўлиши имкониятлари бор эди. Ахир ўша таълим масканларида бўса одамларнинг ҳам фарзанди, укаси, жиния, қариндоши ўқишини, ўз касбига бўлган ҳиянат ана шу жигарўша болалар келажагига ҳиянат эканлигини улар билимасмиди? Билардилар, лекин нафс деган ўқон уларнинг кўзларини қур, қулоқларини қар қилиб қўйган эди. Улар том маънода қурувчи эмас, «урувчи»га айлангандилар. Энди улар ҳалол ризқ билан ишлаётган ҳамкасбларининг қўзларига қандай қарайдилар? Эъиз касб, эъиз одамийлик...

Advertisement for 'Kafel' (sanitary ware) with contact information and a list of products.

# Кўнгил жиёбони

Эмгир шивирларди. Қиз бир соатига, бир яқинлашиб қолган автобуснинг рақамига қараркан, бекадгаги ўриндиқка ҳолсизгина суюниб утирган кампир томон ўтирилверарди.

— Хой, дарога кечикамиз... — Дугонаси уни тортиқлар, қизни эса нимадир ортига етакларди.

— Бувижон, нега гапмин ўтирибсиз? — қариянинг ёнига яқинлашаркан, сўради у салом берганча. — Балки бирор ёрдамим керакдир?

## Оқибат

— Қизим, неча кунки бошимни кўтаролмай ётибман. Уйга дўхтир чақирганим, шифохонага йўлланма бериб кетди. Охири зўра ўрнидан туриб йўлга чиқдим. Автобусга илашиб олсам-ку, ҳайдоовчиларнинг имонилари кўп, ташлаб ўтишар, шунгаам дармоним бўлмапти-да, болам...

Қиз бу гапларни эшитиб, дугонасига эргашиб кетмай тўғри қилганлигини сездди. Жилмайганча кампирнинг сўмасини олди-да, уни сўраганча автобус томон юрди. Манзил олисгина экан, кам-

## Инсон манзаралари

пир автобус ҳар тўхтаганда деразадан атрофга бурилиб-бурилиб қарар, одамларнинг орасидан қилларидир қидирарди чамаси.

— Сенга ҳам юк бўлди-да, — деди ёнидаги бўшаган жойга қизни имларкан кампир. — Бу кишининг ҳеч қандай йўқмикин? деб ўйлаётгандинсан-а? Болам. Йўқ, ўғлим-қизим, набараларим бор. Лекин ўз ташвишларидан ортинмайди. Анчадан бунён йўлларига кўз тикаман. Дийдорларини қумсайман. Уларга ҳам қийин-да, ўғлим катта жойда ишлайди, қизим эрининг қўлига қараган одам... Буви сўзларкан, киприкларида иланиб турган ёшни яширмоқчи бўлиб нигоҳларини дераза томонга олиб қочарди.

Кампирни касалхонага жойлаштириш қизнинг кўп вақтини олмади. Ширинсўза ҳамширалар аввал ҳам бу ерда бир неча бора довланиб кетган "ҳола"ларини дарҳол таниб, жой ҳозирлаб беришди.

— Сени тарбиялаган ота-онанга раҳмат, — хайрлашаркан кампир қизни узундан узок дуо қилди. Пешонасидан ўлиб, сочларини силаб қўйди. Қиз касалхонадан чиқиб кетаркан, дунёда ундан бахтиёр одам йўқ эди гўё.

Лекин... У мактабига етиб келганида синфдошлари тўртинчи соатга киришган. Ҳамма гапни дугонасидан эшитган ўқитувчининг қовқоқлари солиқ синфдошлари эса алланечук ёт қараш қилишарди.

— Қизи сенга ўйинчоқми? — муаллимасининг биринчи сўроғи шу бўлди. — Агар у кампир сенга бирор ёмонлик қилганида ким жавоб берадир? — Устози шундай дейишга деди-ю, қўшиб қўйди. — Ким билди дейсан яна.

Унинг боқишлари ортида яширин ҳавас ҳам йўқ эмас эди.

— Узица "Қахрамонлик кўрсатмоқчи бўлганда" — деб

лўқа ташлади синфдан кимдир. "Гур" этиб кулгу кўтарилдию, бу овозни қўлиққина қизнинг "Яхшилик қилиш ёмонми? Уларнинг ҳеч яқши иш қилганмисанлар..." маъносидаги танбеҳли эътирози босиб кетди.

Бу бир воқеалик.

Айтмоқчи бўлганимиз шунки, миллатимизнинг ҳеч қандай ўшамаас фазилатларидан бири оқибатли халқ сифатида тан олиганидир. Албатта ота-она, жон-жигарларга оқибат кўрсатмоқ оддийликнинг ибтидоиси саналади.

Лекин инсон айна пайтда юртинг, жамиятнинг бир аъзоси. У элнинг

ичида яшайди. Демак, ўз-ўзидан элга, Ватанга, жамиятга нисбатан оқибатли бўлиш шарти пайдо бўлади.

Бинобарин, оқибатнинг кўринишлари хилма-хил. Лекин маслаҳати била — Яхшилик.

— Биласизми, бу яқинда бунчалар суюлмаган эдим, — ҳаяжон билан кириб келди қўшимчи. — Хуллас, ишта шовиш кетайтсан, бир отахон қаршимдан чиқиб, манзилни сўроқлади. Борар жойимиз яқин экан. Бобо йўлакка йўлдан кетганлардан гапириб, бошига иш тушиб сарсон бўлиб қолганини, шу ташвишлар билан юриб кўпчилик билан юзлашгани, баъзиларнинг вазифасига юзати қараш боис ишлари чўзилиб, пули ҳам тугаб қолганини айтиб берди. Разм солиб қарасам, кўпни кўрган баъзиларни қария экан. Айна пайтда, хориб, толиқиб кетгани шундоққина сезилиб турарди. У кишини кўрда қўймай ишонамиз ёнидаги ошхонага олиб кириб, бир чойнаққина чой, ул-бул буюрттирдим. Кейин бободан кутиб туришини илтимос қилиб, идорага кириб чиқдим. Воқеани эшитган ҳамкасбларимдан баъзиларининг энсаси қотди. Айримлари эса сўмқаларини қовлашга тушишди. Шундай қилиб у кишини Фаргона томонларга кузатиб қўйдим. Кета туриб отахон мени қайта-қайта алқаркан: "Қизим, агар катталар ишимни тез битириб беришганида сенга ҳам ташвиш бўлмасдим. Курсига ҳам оқибат кўрсатиб ишлаш керак, йўқса бир кун уюли тугади. Аттанг, баъзилар буну унутиб қўйибди-да... Хай болам, мени қўллаганинг ўзингга юз баробар бўлиб қайтсин..." дедилар тақрор-тақрор. Қизик, вазифага, касбга оқибат кўрсатиш ҳақида ўйламаган эканман. Бугун эса бошқача ишладим...

Кўшимнинг қўвончи менга кўчди. "Йўқ, оқибат йўқолмаган. У бор. Фақат ҳали фурсат борида мудроқ диллардан уни изламоқ, уйғотмоқ керак. Бунда қаламнинг ҳам ҳиссаси катта..." — дерди ёришиб бораётган кўнглимга тасалли берганча эшигимдан кириб келган оқибатнинг гўзал чехраси.

Оябуви ОЧИЛОВА.

## Оҳанг ва қалб

Инсон — сирли хилқат. Олимларнинг таъкидлашларича, миллиардлаб ҳужайраларни, жисмдаги тўқималарни, аъзоларни санаса бўларкану қалб қаерда эканлигини билиш мушкул экан.

Чунончи, балний адабиётда "Қалб", "Кўнгил", "Рух", "Жон", "Дил" деган атамаларнинг бари бир жойга тўпланганда ҳам Ҳазрати инсоннинг ички дунёсининг тилсимли синоатларини ечиб берибди. Шарқ мутафаккирлари қалб қароргоҳини юракдан бир қафт қуйида деб тахмин қилсалар, ғарб файласуфлари қалб ҳаракатини бош мия фаолияти билан боғлашди.

Кейинги фаразлар шуну кўрсатяптики, қалб инсоннинг ички оҳанги ўзига хос мусиқаси экан. Ундан ҳаммиша ажиб бир куй таралиб тураркан. Оҳанг ёхуд куй тутаса, қалб ҳам ноубул бўлар экан. Қизини шундаки, ушбу масалада ҳам аниқ бир тўхтама келинган йўқ. Нима бўлганда, маъзур фарзада жуда ҳам ёқимли жихат бор. Қалб — ҳақиқатдан ҳам илоҳий оҳанг. Мухими шу.

**Алишер Навоийни миллатнинг маънавий мураббийи деганимизда асло муболага қилган бўлмаймиз. Сабаби, у ўз ижодини келгуси авлод тарбиясига бағишлади. Хусусан, X-XV асрлардан бизгача етиб келган кўпчилик шоирларнинг лирик девонларидаги газаллар, одатда, ишқий ёхуд ирфоний мавзуларга бағишланиб, ора-орада бир байт, икки байт ижтимоий-ахлоқий мавзуларга тааллуқли бўлади. Алишер Навоий девонларида эса баянган бутун бир газал тўлиғича катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган назарий масалаларни кўтариб чиқади.**

## Мушоҳада

Шундай асарлардан бири "Фавоид ул-қибр" девонидagi 280-рақамли газалдир. Бу шеър тўлиғича миллий тарбиянинг назарий асосларидан бўлиши нафс ва рух нисбати масаласи мавзу сифатида танланиб, биринчи байтданок умумийнинг узак томирига эътибор қаратилади:

**Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбӯт, Нафс ила руҳи зинҳорки қилма махлӯт.**

(Агар фано расмини маҳкам тутмоқчи бўлсанг, Зинҳор нафс билан руҳи бир-бирига аралаштирма.)

Янги даврда Гарб психология илми тўлиқ табиий фанлар мажмуғи алоқадор бўлиб, инсон руҳиятини ўрганишда уни соф биологик мавжудот сифатида олиб қарашга мойил бўлмоқда. Бундай ёндашувда инсоннинг барка жонотлардан моҳиятан фарқи эътибордан четда қолади. Маълумки, барка жониворларда нафс бор, аммо руҳ фақат инсонга хос нарса. Инсон руҳиятини биологик асосда ўрга-

Т. Фано расми, «маънавий камолот йўли» мазмунини билдириди.

## Икки йўл бошида

### ёхуд Нафс ва Рух баёнида

ниш унинг нафси ҳақида тасаввур бериши мумкин, бироқ бунда руҳнинг моҳияти мураккаб соҳада қолиб кетади. Умуман, инсон ўз ақли билан фақат моддий олам сирларини оқиши мумкин. Маънавий ҳодисаларни англаб етиш учун эса ақл ва нақл ўйғунлиги лозим бўлади. Миллий маънавий-тизимнинг етакчи тамойилларида бўлиши шарқ таълимчилиги айна шу йўлни тавлаган эди.

**Рух у нурдурким, Ҳақ анга бермиш авж, Нафс зулматга қолиб, қилмиш анга поя ҳубот.**

(Рух бир нурдурки, уни Ҳақ таоло юксакликка кўтармиш, Нафс зулматга чўмиб, уни асоси завоаб бўлиши.)

Нега нафс зулматга чўмиб, инсонни пасста қараб тортади? Чунки нафс инсоннинг моддий вужуди билан боғлиқ, инсонга

зариясини эслаш дуруст қўриди. Файласуфлар, "нафси аммо-ра" (амр қилувчи нафс), "нафси мулҳама" (ғуноҳ ишларга ҳам, тақвога ҳам илҳомлантирувчи нафс), "нафси лаъвама" (мало-матчи нафс), "нафси мулҳайна" (хотиржам, сокин нафс), "нафси розия" ва "нафси марзия" каби тисмос-тушуналарни шакллантирганлар ва шу асосда бутун бошли "нафс тарбияси" йўллари (бугунги кун педагогика илми тили билан айтилса, "методика")-си ёки "технология"сини) ишлаб чиқарилар.Кейинги байтлар руҳ-

Демак, рух инсонни илоҳий йўлга бошласа, нафс уни зулм ва ҳалокат сари ундар экан. Дарҳақиқат, нафс йўлига кирган одам аввало ўзига зулм қилган (нафс), "нафси лаъвама" (мало-матчи нафс), "нафси мулҳайна" (хотиржам, сокин нафс), "нафси розия" ва "нафси марзия" каби тисмос-тушуналарни шакллантирганлар ва шу асосда бутун бошли "нафс тарбияси" йўллари (бугунги кун педагогика илми тили билан айтилса, "методика")-си ёки "технология"сини) ишлаб чиқарилар.Кейинги байтлар руҳ-



яни, ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўқинчи ҳо ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елли умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.

Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одам-зот онгли ишай бошлаган замонлардан бунён уни ўйлантириб, қийнаб келади...

нинг йўлидан юрганлар қандай мартабага эришадими, нафс домига илинганларнинг ахлоқи нечук кечмишдан тарихий мисоллар асосида огоҳлантиришни мақсад қилади:

**Руха шева Калимулло ишин қилмоқ фош, Нафс фиръавилқасбонини айлаб марбуот.**

(Рухнинг иши Мусо алай-ҳисалом йўлидан юрмоқ, Нафс эса Фиръавн қилган ишини қилмоқчи бўлади.)

**Рух Аллоҳнинг ҳабиби йўлидан бориса жидду жаҳд қилсади, Нафс Абуҷаҳл феълини ёйишга уринади.)**

шимиз лозим бўлган маънавий камолотимизнинг эртанги кўни тақдирига тааллуқли буюк фикрлар баён этилади:

"Биринчиси — ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, ҳолис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теганга олиб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси — бунга муллақо қарама-қарши бўлган ёндашув,


Шундай экан, Алишер Навоийнинг биз тушунишга ҳаракат қилган газалида кўтарилган муаммо бугун башарият олдида турган ўта долзарб масалалардан биридир. Зеро, айна пайтда Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир инсон олдида икки йўл турибди: эртанги кўни ўйлаб ўтирмай, "ҳозирчи-ю ҳузурчи" деб нафс қарғиқа етакласа, шу ёққа кета бериш керакми ёки рух измида юксакларга интилиб маънавий камолот касб этишга интилиш керакми — гап шунда.

Мухаммадjon ИМОННАЗАРОВ, филология фанлари доктори, профессор.

## Тафаккур бўстони

**Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозе, ҳалол касбу ҳунардagi меҳнат, сир сақлаш.**

Кошифий.



Фарзанд — ҳаёт қувончи. Темура ҚУРБОНОВ сурат-навоҳси.

## Буну ҳаёт дейдилар

Фозил бобо — Мўминободлик кекса дурадгор. Эсини танибдики, шу ҳунари ортидан рўзгор тибра-тади. Камсуқумгина, соддагина бу кизиб барчага бирдек — самимий муносабатдалиги учунни, қишлоқ аҳли унинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади.

чадан бери тоби йўқ. Эрта-индин жўнаб қолади-ёв...

Бу гаплар Фозил бобога тилга ботди. "Бировга ўлим тилгандан, ўзингга умр сўра", дегиси келдию, аммо нимагадир тилини тийди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмай қишлоқда жаноза бўлди. Тақдирни қарангки, одамлар тобутда "ана кетади, мана кетади" дейилган ҳам эрмакка айтишгани йўқ, бу гапни. Аввалги тобут эскириб, синар ахволга келган. Бозорга тобут сўраб бориб бўлмаса. Ҳа, майли, керак экан, ясаसा ясабди-да.

Хуллас, Фозил бобо ишига унай кетди. Орадан ун кун ўтиб, тобут битай деб турганида қишлоқ кексаларидан бири — Мурод бобо уни йўқлаб келиб қолди.

## Сўзучи «томорқа»

Ҳиндистоннинг Кашмир водийсига яшовчи аҳоли сабзавот етиштиришда ўзгача усулдан фойдаланишади.

Бунинг учун қамиш ва сув ўтларидан ясалган маҳсус солларга тупроқ тўкилиб, уруғ сочилса, бас. Эътиборлиси, бундай шароитда ўстирилаётган экинни сугориб шарт эмас. Чунки унинг томири доим сувга тегиб туради.

Ушбу сўзучи «томорқа»дан бир йилда икки мартагача ҳосил олиш мумкин.

## Унутилмас сапфлар

Илбар шоирларимиздан бири Мақсуд ШАЙХЗОДА бундан 50 йиллар муқаддам Тошкент меҳридан тўлиб-тошиб, унинг бетакор манзаралари, табиати, одамлари ҳақида ҳароратли "Тошкентнома" асарини битган эди.

Тошкенту азимнинг сархил боғроғлари, ноз-неъматлари, сўлим оқшомлари, дилнавоз тонглари шоирнинг қалб торларига ўзгача бир нафосат билан чертилганки, ўқисангиз, руҳингиз ажиб бир роҳатга чўмади. Қуйида "Тошкентнома" дostonини шаҳар тўтзорларига бағишланган парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

## «Тут —боғлар шоираси...»

Нега ариқ лабиди  
Тўтзорларга хушторман?  
Гўё дарахт қалбиди  
Бир ҳисдан хабардорман.  
Дейман келсан сираси:  
— Тут боғлар шоираси!..  
...Дастлаб баҳор чоғида,  
Ҳали мева йўғида  
Оғзимни ширин қилар  
Асал қабл оқ тумлар,  
Сабр қилсам, баргидан  
Ҳарир нила ўралар.  
Тутимнинг илагидан  
Ясамади эҳсалар.  
Бу сир эмас, очиқ гап,  
Ҳар ҳисга бор бир сабаб,  
Қилар эғида қўйлақ  
Қайтаса бўлса инан,  
Жилваанлар, товланар,  
Севиғи тез оловаланар.  
Нега ариқ бўйида?  
Усган тутлар обрўда?

Чунки сувлар қирғоғин,  
Қирғоқларнинг тупроғин  
Асрайдилар тут дарахти  
Айниқса, селлар вақти.  
Балки шу илчиллиги,  
Одамга яхшилиги  
Важобдан тут кўп яшар,  
Балли, юзлардан ошар.  
"Қора тут" маҳалласини —  
Чола шохиди — қадим тут,  
Тут асрини пахласини  
Ошани бунга сўбут.  
Шоирона тафаккур!  
Ясамади эҳсалар!  
Менинча, оқ салафдир  
Сўй ачиди оқ тошлар.  
Келар тут куланиқаси  
Ирмоқлар ёқасида  
Тўқидим сурункаси  
Тут шавиғига қасида.  
Еш тут худди синглимдай,  
Шеъримдаги қўнглимдай!

## 1884 йили Кўшнинг Нью-Йорк штати ҳудудиди улкан қўзиқорин топилиган.

**Улкан қўзиқорин**

Ушбу қўзиқориннинг бўйи бир ярим метрдан зиёд, соябонининг диаметри бир ярим метрга яқин, посянининг йўғонлиги эса ярим метрни ташкил этган.

## Ўқинг, қизиқ

Бундан бир неча йиллар аввал Қизилқум саҳросидан қадимий мангро дарахтларининг тош қолдиқлари топилиган.

## «Ҳофиз» дарахтлар

Ушбу қувурсимон ва ичи бўш дарахтларнинг бўйи бор-йўғи 1,5 метрга етган, ҳоло. Қизғини шундаки, шамол эсган пайтда дарахт қолдиқлари ўзидан мунгли оҳанг чиқаради. Тахминларга қараганда, бу дарахтлар бундан 90-100 миллион йиллар аввал гурқираб ўсган.

М. НАБИЕВ.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январдан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида тегилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов.  
Навбатчи — О. Файзиёв.  
Мусаҳҳах — Ҳ. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА яқуни — 21.20 Тошхирлиди — 23.25 1 2 3 4 5 6 7 8